Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақиллик қадриятларига, инсон ҳақ-ҳуқуқларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун жамоатчилик комиссияси тузилсин, унинг таркиби тасдиқлансин.

Комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этсин.

2. Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Президент девони архиви ва Бош архив бошқармаси комиссияни барча зарур архив материаллари билан таъминласин.

3. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига комиссия фаолиятини ҳамда шу масала билан боғлиқ мавзуларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Комиссия бир ой муддатда ушбу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 май.

Буюклар ҳайрати

Бу ёруғ оламда ҳайратлар кўп. Биз оддий одамлар ҳамма нарсадан ҳайратланаверамиз. Лекин яна биз билмаган бир туйғу бор, бу буюклар ҳайратидир.

Буюклар ўз замонлари, замондошлари ҳақидаги ҳайратларини яшира олмайдилар. Улар аслида инсоният учун ойна кабидирлар.

Дунё яралибдики, барчамиз юксак донишмандлар, улуғлар сўзларига таянамиз. Уларнинг пурмаъно сўзлари, инсониятга мудом тўғри йўл кўрсатади.

Буюклар тафаккури дунё кезади. Улар ҳар куни, ҳар соатда мўъжизалар билан юзма-юз келадилар. Уларнинг ўй фикрларига инсоният ҳамиша илҳақ бўлиб туради.

Буюкларнинг сўзлари залворли бўлади. Уни инсоният тарихнинг зарварақларига муҳрлайди. Тарих китобида буюклар сўзи олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолади. Бунда ҳайратлар, эътирофлар, эҳтиромлар, эзозлар юз очади. Тугаб бораётган XX аср мўъжизалар асри бўлди. Бу алғов-далғовли юз йилда жаҳон халқлари нималар қурмади, дейсиз. Бутун бир империялар қад ростлади ва ўз оғирлигини кўтара олмасдан қулаб тушди. Атомлар яратилди. Одамзод даҳшат, балоларни ўз қўли билан бунёд этди. У ер юзини бўлиб олмоқчи бўлди. Ўзганинг ерларига бош суқди. Қирғин-барот жанглар бўлиб ўтди. Инсоният тузумларнинг, ғояларнинг қурбони бўлди. Фан-техника ақлбовар қилмас даражада юксалди. Инсоният табиийликдан, ўзлигидан йироқлаша борди.

XX асрнинг бошқа кашфиётлари ҳам бор. Бу Чингиз Айтматов ва унинг асарлари. Зеро, биз англамай, тушунолмаганимиз ҳам Чингиз Айтматовдир. Аср ҳақида энг тўғри сўзни айта олган ҳам Чингиз оғадир...

Яқинда буюк адибнинг қозоқ шоири Мухтор Шоҳонов билан суҳбат асари эълон қилинди. **«Чўққида қолган овчининг оҳизори»** бутун жаҳон халқларининг дарду-ўйларининг таҳлилига ўхшайди. Аср сўнггидаги Чингиз Айтматов сизу-бизни нималарга ундади. Буюк даҳонинг ҳайратлари нималардан иборат экан.

Асарнинг **«Ҳокимият ва маънавият ёки подшолар, хонлар, қироллар, президентлар фаолиятига бир назар»** бўлимида нималар ҳақида фикр юритилади. Бу нозик, кўп қиррали, катта сиёсат ҳақида буюк адиб нималарни баён этади:

«Мамлакатни бирлаштириб, жипслаштириб, ички ва ташқи сиёсатини бошқариб, маданиятни асраб ва ривожлантириб, давлат қудратини ошириб ва айни чоғда бошқарув жиловини қўлда маҳкам тутиб туриш ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Бу вазифани бажариш ҳар қандай ҳукмдорнинг ҳам қўлидан келавермайди».

Буюк адиб улкан масалани ўртага ташлайди. Сизу-бизни мулоҳаза юритишга чорлайди. Ватан истиқболи, миллат тақдири ҳал этилаётган ушбу кунларда халқ кимга эргашмоғи лозимлигини кўрсатиб беради. Истиқлол ниҳоллари мева бера бошлаган, тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган, дунё унга, у дунёга интилаётган Ўзбекистон Республикаси ва унинг биринчи йўлбошчиси Президент Ислом Каримовнинг жаҳон тан олган одилона давлат сиёсати ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида ўйлашга ундайди.

Бугун қуллик кишанларидан қутулган озод Ватан ва унда бунёд этилаётган давлатчилигимиз, ташқи ва ички сиёсатимиз, жаҳон халқларининг эътибор марказида турибди.

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда:

«Мамлакатни бошқариш имконияти фақат ҳар хил мансабларда илгари синовдан ўтган, ҳаётнинг иссиқ-совуғини тотиб кўрган, сиёсат қозонида қайнаган, ақл-идрок билан маърифатни, донишмандлик билан кўнгли кенгликни ўзида мужассамлаштирган, замондошларидан бир ўқ баландлигида ажралиб турадиган инсонга насиб этиши керак». Юртбошимиз эса юқоридаги барча тамойилларни, босиб ўтган, раҳбар сифатида давлатимизни донишмандлик билан бошқариб бормоқда.

Ифтихор

Асарнинг ушбу бобида сўз кўпроқ парчаланиб кетган собиқ империя ўрнида қад ростлаётган мустақил давлатлар, хусусан Ўрта Осиёнинг уч давлати Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ҳақида боради.

Чингиз Айтматов ёзади: **«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан мен илк бор 1990 йилда учрашганман. Ўш фожиалари эсингдами? Икки қардош халқ ўртасида кутилмаганда нифоқ пайдо бўлиши, қон тўкилишига мен бефарқ қараб туролмадим».** Изтиробли ўша кунлар, хунрезликлар бошланиши учун ташланган илк қадамлар, барчанинг эътибор марказида турар эди. Фақатгина юрт улуғлари бу оловни ўчиришлари мумкин эди. Чингиз Айтматов ёзади: **«Тез орада менинг келганимдан хабар топган Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов аэропортга етиб келди. Ҳар доимгидек муайян бир масалага бутун диққат-эътиборини жамлаган, ҳаракатчан, ғайратли эди».** Мана шу диққат-эътибор, ақл заковат туфайлигина, икки халқ ўртасидаги адоват олови ўчирилди. Икки улкан давлат арбобининг фикрий яқинлиги, мулоҳазакорлиги туфайли, халқларимиз ўртасидаги дўстлик яна бир синовдан ўтди.

Биз бугунги кунларимизга осонликча етиб келганимиз йўқ. Мустақиллик учун олиб борилган курашлар, ички ва ташқи можаролар, илк кунларимизда-ёқ йўлимизга қўйилган тўсиқлар. Лекин буларни барчасини Президентимиз раҳбарлигида енгиб ўтдик. Чингиз Айтматов ёзади: **«Қадимдан қон-қардош бўлган икки халқ ўртасида пайдо бўлган нифоқни бартараф этиш борасида ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақл-идрок, донолик намунасини кўрсатди».** Бугунги жанг-жадалсиз кунларимиз замирида нималар ётганини англаб етишимиз учун, улкан адибнинг бу мулоҳазаларини барчамиз тушунмоғимиз керак. Бугун булар тарих. Эртага мана шу кунларни такрорланмаслиги учун ҳам, биз ўтмишдан тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак.

Улкан адиб ўз мулоҳазаларини давом эттириб ёзади: **«Илгари мен бу кишини фақат хўжалик ишларининг миридан-сиригача яхши биладиган тажрибали сиёсатчи сифатида билардим. Ўша оқшомдаги суҳбатдан сўнг амин бўлдимки, бу зот ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чуқур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбоби экан. Айнан ўша учрашувимиз самараси ўлароқ Марказий Осиё халқларининг Ассамблеясини тузиш ва йирик анжуман ўтказиш ғояси дунёга келди».** Ушбу эътирофлар шуни кўрсатмоқдаки, Президентимиз сиёсатида узоқни кўра олиш, қардош халқларга тарихий яқинлигимизни ҳис этиш етакчи ўринда туради.

Улкан ёзувчининг нигоҳидан, юртбошимизнинг, ўз шахсига муносабати ҳам четда қолмайди. У атрофимиздаги баъзи бир давлатларда ва жаҳонда шахсга сиғинишнинг оғир оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритади.

Чингиз Айтматов ёзади: **«Масалан, Ислом Каримов Жиззахга сафарга борган пайтида унинг иккита катта портретини осиб қўйганлари учун вилоятнинг иккита раҳбарини вазифасидан бўшатиб юборганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим».**

Ҳақиқатдан ҳам барча ишда меъёр бўлиши керак. Юртбошимиз ҳар қандай шароитда камтаринликни маъқул кўрадилар. Ортиқча дабдабалардан, ҳайу-ҳавасдан юқори туриш керакдигини уқтирадилар. Раҳбар маънавияти ҳақида ҳамиша қуйиниб гапирадилар. Халқдан узоқ бўлмаслик, оддийлик, ўз манфаатини устун қўймаслик ҳақида мудом таъкидлайдилар.

Чингиз Айтматов бугунги ёш мустақил давлатларнинг кейинги йўли, уларни қандай одамлар бошқариши ва жамиятда юз бераётган тарихий жараёнлар ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради.

Чингиз Айтматов ёзади: **«Эндигина мустақилликка эришган мамлакатларнинг Президентлари ҳозирги ўтиш даврида ҳар томонлама синовдан ўтаётирлар. Жамият фақат икки ҳолатда мана шундай мушкулотга дуч келиши мумкин: биринчиси — уруш пайтида, иккинчиси — жуда чуқур ижтимоий ўзгаришлар пайтида».**

Бугун биз тарихий жараённи бошимиздан кечирмоқдамиз. Олдимизда XXI аср турибди. Янги аср орзуси, ҳар биримизни эътибор марказимизда туриши керак.

Назаримда XX асрнинг улкан даҳоси, жаҳон адабиётининг энг йирик намояндаси Чингиз Айтматовнинг буюк ҳайратлари, XXI асрда ҳам бизга йўлдош бўлиши керак.

Буюклар назари ҳаммага ҳам тушавермайди. Буюклар ҳамма нарсадан ҳайратланавермайдилар.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 13 май, пайшанба • № 56 (24.451).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Волмиерада... «Хива» чойхонаси

Икки ярим минг йиллик бой тарихи, оламга машҳур осори атиқалари билан донг таратган Хива ҳақида ер юзида эшитмаган киши топилмаса керак, деб ўйлаймиз. Латвиянинг гўзал табиатли, осуда шаҳри ҳисобланмиш Волмиерадаги «Хива» чойхонаси рўпарасидан ҳеч ким бепарво ўтолмайди.

Латвиянинг шимолида жойлашган мазкур шаҳар қадим Хива билан биродарлашган. Истиқлол шарофати туфайли амалга оширилган бу борди-келди биродарлашувлар замирида ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик, тажриба ўрганиш, маънавий бой мерос билан танишиш дастурлари ётади.

Яқинда Хива шаҳар, туман ҳокими М. Мадаминов бошчилигидаги делегация аъзолари Волмиерада бўлишди. Улар бир қанча корхона-ташкилот, фирмаларда бўлиб, тажриба ўрганишди. Шаҳардаги ўт ўчириш асбоблари заводи дунёнинг қатор бурчакларида қўшма корхоналар очган. Истиқболда худди шундай қўшма корхона қадим Хивада ҳам иш бошласа ажабмас.

Меҳмонларни айниқса, қишлоқ хўжалигида, чорвачилик соҳасидаги янгиликлар, иш услублари қўпроқ қизиқтирди. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга оширишга киришилган юртимиз деҳқонлари учун ҳар қандай фойдали янгилик асқотиши табиий.

Хиваликлар сафари Волмиерадаги «Хива» чойхонасида ниҳоясига етди. Хивалик тадбиркор Баҳриддин акаларнинг латиш биродарларимизни лол қолдирган чойхонаси икки халқ дўстлигининг ихчам бир рамзига айланиб улгурган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бош соврин бизга тегди

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Наврўз — боқий байрам» танлови ниҳоясига етди. «Наврўз — 99» шодиёналарини кенг ва яхши ёритганликлари учун «Ўзбекистон овози» газетасининг фаол ходимлари, таниқли журналистлар Салим Ашур, Қўчқор Норқобил, Нурбек Тошниёз, Саида Бонулар «Энг яхши мақола учун» мукофотининг ғолиблари деб топилдилар. Бош совринни қўлга киритган жамоадошларимизни қутлаймиз!

Қадимшунослар Термизда

Республика Маданият ишлари вазирлигида Ўзбекистон Будда даври тарихий ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган Япония ва Ўзбекистон давлатлари вакиллари ҳамда мутахассисларнинг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда мамлакатимиз жанубида Будда даври ёдгорликларининг ҳолати, тарихий аҳамияти ва умумиинсоний қадрият сифатида авайлаб асралиши борасида суҳбат олиб борилди.

Учрашув иштирокчилари ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн, ЮНЕСКОнинг Европа ва Марказий Осиё Маданий мерос бўлими директори Френсис Чайльд, Япония элчихонасининг маданият бўйича атташеси Такеши Ишихара, Япония Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими Хироко Каизука, Токио Маданий меросни сақлаш бўйича лойиҳалаш институтининг профессори Киюзо Яно, Токио университетининг профессори Кюдзо Като ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг мутахассислари Будда даврига оид тарихий ёдгорликларни жойида ўрганиш ва уларни сақлаш амалий чора-тадбирларини белгилаш мақсадида Термиз шаҳрига жўнаб кетдилар.

Ф. ЖУМАЕВА

Ҳамширалар

Кўзмунчоқнинг кўзларига кўз тиккандай,
Умид билан термулдик гоҳ йўлингизга —
Бетобликнинг ёстиғига бош текканда
Офтоб олиб келадурсиз қўлингизда.

Фариштасиз, сариштасиз, сўзлари гул,
Онамиздай кўнглимизга нур бўласиз.
Ҳамширажон, оқ тонгларга ёлғиз сингил,
Сиз — ҳаётсиз, қалбимизга қўр бўласиз!

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

«Алпомиш»га эҳтиром

Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Алпомиш» — боқий асар» номли Ўрта Осиё республикалари бахши-шоир ва оқинларининг 1-Халқаро кўрик фестивалини ўтказмоқда. Анжуман Сурхондарё вилоят Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрида ўз ишини бошлади.

Б. РАЙИМОВ

Дарё тошқин, сувлар шошқин ўтолмайман-о

Шу кунларда Фарғона туманидаги «Гулруҳ» ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг оғзидан шу қўшиқ тушмай қолди. Сабаби, жамиятнинг Шоҳимардондаги мармар ушоғи ишлаб чиқарадиган корхонаси Оқсув дарёсининг нариги қирғоғида қолган. Ўртадаги кўприк ўтган йилги сел тошқини пайтида вайрон бўлганича тикланмади. Натижада ишчи-хизматчилар ишхоналарига ўта олмай қолишди. Ўтай деса, ўртада айқириб дарё оқиб ётибди.

— Даҳшатли сел иккита бульдозер, битта эксковатор, битта юклов трактори, техник жиҳозларининг катта қисмини оқизиб кетди, — дейди ҳиссдорлик жамияти бош муҳандиси Ҳамдамжон Йўлдошев. — Табиий офатдан жуда катта зарар кўрдик. Лекин ўтган йили ва қиш мобайнида темир арқонлар ёрдамида дарёнинг корхона жойлашган қирғоғига ўтиб юриб ишхонани тикладик. Аммо... Кўприк тикланмагани боис ишимиз юришмаяпти.

Луқма

«Гулруҳ»нинг сифатли, ранг-баранг мармар ушоқлари Фарғона водийсининг кўплаб оромгоҳлари, биноларини безашда қўлланилади. Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний номли муҳташам боғ йўлаклари, ҳовузларига ҳам шу мармар ушоқлари ўзгача чирой бахш этиб турибди.

— Кўприк иўқлиги учун ишхонага ўтолмай қолдик — дейди ишчи Фарҳод Илёсов, — Маҳсулот сотилмай, маош ҳам ололмаяпмиз...

Аслида бу ноёб корхонани кенгайтириш, маҳсулот сони ва сифатини юксалтириш режалари бор эди. Лойиҳага кўра корхона тўлиқ ишга туширилса, йилига 30-35 минг тонна қурилиш учун зарур хомашё ишлаб чиқариш қувватига эга бўларди. 50-60 нафар одам иш билан таъминланарди. Афсуски, сел ишнинг белига тепди. Агар дарё устидан ўтган кўприк тикланса, корхона яна иш бошлаб юборарди. Аммо, худди шу кўприкни тиклайдиган мард топилмаяпти. Соҳа раҳбарлари, туман ҳокимлиги табиий офат туфайли қийин аҳволга тушиб қолган корхонага ёрдам қўлини чўзишармикан?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бўлажак олимпиа чемпионлари

Ўғил болаларда Брюс Ли, Жеки Чан, Вандам сингари каратэчиларга ўхшашга иштиёқ катта. Юртимиз каратэчилари бу борада собит қадам ташлашмоқда. Улар бултур кузакда Будапештда бўлиб ўтган халқаро мусобақада жаҳон кубогини қўлга киритиб қайтгандилар. Бундай совринни қўлга киритиш учун эса турли мамлакатлар 10-15 йил ҳаракат қиладилар. Каратэчиларимиз қисқа муддатда ажойиб ғалабага эришиб, мутахассису мутасаддиларни лол қолдирдилар. Яқинда вакилларимизни Австралиянинг Брисбен шаҳрида бўлиб ўтган Гран-При дастуридаги халқаро мусобақада жами 25 та (шундан 14 таси олтин) медаль билан қайтишлари ҳам ўзига хос воқеа бўлди. 9-11 ёшли каратэчиларнинг астойдил жанг қилишлари спортнинг мазкур турини юзага келтирган японияликларни ҳам ҳайратга солди. Ҳатто, WKF раҳбарларидан Томи Моррис: «Улардаги жанговар руҳни, чидам ва бардошни қаранг... Сўзсиз яқин келажакда бундай қобилиятли ёшлардан олимпиада чемпионлари юзага келади», деб юборди.

Шундай, каратэчиларимиз ҳали ёш бўлишларига қарамай, дунё кўрган ўғлонлардан бўлиб қолишди. Уларнинг меҳрибон мураббийси Нурхон Нафасовнинг нияти катта. Тинимсиз машқлар самараси ўлароқ Умид Низомов, Иззат Мирбобоев, Ринат Кутуев, Отабек Қосимов, Дмитрий Шетилов, Даниял Минеев, Нодир Хўжаевлар олтин медаль билан қайтдилар. Азаматали Қаландаров ҳам ғолиблик супасига кўтарилди. Бир сўз билан айтганда кураш ўзбек ўғлонларининг қонида борлиги яна бир бора кўринди.

Суратларда: республика Каратэ миллий федерациясининг Президенти Нурхон Нафасов (ўртада) моҳир каратэчилар — Фурқат Мирбобоев, чапдан Азаматали Қаландаров, Хўжамқул Хўжақулов, Отабек Қосимов, Дмитрий Шетилов, Даниял Минеев, Умид Низомов, Нодир Хўжаев, Иззат Мирбобоев, Ринат Кутуев

Маънавиятимиз юксак, келажагимиз буюк

— дейди Самарқанд вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Эркин Рўзиев

— Эркин Маҳмудович, ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, юртбошимиз Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида «Барчамиз англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳалардаги аҳволи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқ», дея таъкидлади.

Бу пурмаъно сўзлардан келиб чиқадиган бўлсак, вилоятимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Қадимий ва навқирон Самарқандимизнинг маданияти, илму маърифати мозийга туташ эканлигини яхши биламиз. Бу заминнинг маданий тарихи — халқимиз, миллатимиз тарихининг ажралмас бўлагидир. Мирзо Улуғбек асос солган, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид сингари алломалар сабоқ берган илму нужум академияси, Алишер Навоийдек мутафаккирларни камол топтирган Абуллайс мадрасалари, Бурхониддин Марғилоний, Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Аъзам Даҳбедий, Исмоил ал-Бухорийлар яратган илоҳий ҳамда дунёвий дорулфунунлар тимсолида бугунги Самарқанд маърифатининг дебочаси ёзилганлиги айни ҳақиқатдир. Шу боисдан, бу азиз ва муқаддас заминда яшаш, ишлаш ва ижод қилишнинг ўзи Оллоҳ ато этган катта мурувватдир.

Ўрта аср Шарқ ренессанси даврида Самарқандда шаклланган, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва темурийлар салтанатида такомилига эришган илмий-маданий анъаналар бугун ҳам барҳаёт. Бу соҳиби илмларимизнинг машаққатли, лекин шарафли меҳнатлари мевасидир.

Вилоятимизнинг илму урфон салоҳияти республикамизда юқори ўринларда эканлигини мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Бугунги кунда бу ерда 6 та олий, 22 та ўрта махсус ўқув юртлари, 4 та илмий тадқиқот институтлари, республика Фанлар академиясининг вилоят бўлими, археология ҳамда Ўрта Осиё тадқиқотлари Халқаро институтлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда турли миллат вакилларидан иборат 221 нафар фан докторлари ва профессорлар (улардан 11 нафари хотин-қизлар), 1042 нафар фан номзодлари (264 нафари хотин-қизлар) бир жон, бир тан бўлиб ижодий меҳнат қилиб, муҳим илмий-тадқиқотларни амалга оширмоқдалар.

Вилоятимизда докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгашлар иш олиб бораяпти. Буларнинг ҳаммаси буюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳазратлари асос солган анъаналарнинг давомийлиги, жонажон Самарқандимизда ҳақиқий илмий муҳитнинг қарор топаётганлигидан далолатдир.

Кўҳна Самарқандимизга қадимдан «Шарқ дарвозаси», «Маданият ва маърифат бешиги» деган нисбатлар берилган. Бу муқаддас тупроқнинг ҳар бир зарраси маърифат нурига йўғрилганлиги айни ҳақиқат. Маорифимизнинг бугунги жонкуярлари мумтоз анъаналарни сабот билан давом эттираяптилар.

Кўплаб устоз муаллимлар вилоятимиз халқ таълимининг равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг хизмати, билим ва маҳорати туфайли вилоят таълим тизими республикада иккинчи ўринга кўтарилди. Таълимнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашда ижобий силжишларга эришилаяпти.

Халқимиз миллий маданиятининг юксалишида Самарқанд вилоятининг алоҳида ўрни бор. Таниқли устоз санъаткорлар, йирик олимлар, вилоятимиз маданиятининг сардорларидир. Халқ амалий санъатининг ҳақиқий усталари, моҳир қаламкаш ва мусаввирлар ҳам бизда бисёр.

Маданий-маърифий ҳаётимизни юксалтиришга хизмат қилиб келаётган олиму фозилларимиз, адиб ва санъаткорларимиз, зиёлиларимизнинг салмоқли гуруҳи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлиги учун сидқидилдан, виждонан меҳнат қилмоқдалар. Улар том маънода бизнинг фахримиз.

Зиёлиларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг баракали меҳнат ва ижод қилишлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида қатор ишларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз. Хусусан, Шоҳруҳ кўчасида жойлашган вилоят ҳокимлиги қароргоҳини қайта таъмирлаб, жиҳозлаб «Зиёлилар саройи»га айлантирдик. Бу ерда илмий анжуманлар, ижодий кечалар, баҳс ва мунозаралар уюштириб турилади. Зиёлиларимизнинг йирик вакиллари, чет эллик дўстларимиз билан учрашувлар ўтказиб турамиз. Ахир, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам Самарқанднинг илму маърифат аҳли билан тез-тез машварат айлаб, давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим муаммоларни улар билан бамаслаҳат ҳал қилганлар.

Ўйлайманки, бундай тадбирлар ҳаммамиз учун фойдали бўлади. Зиёлиларимиз ўзаро фикр алмашадилар, долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, илмий-ижодий ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида келишиб оладилар.

Вилоятимиз олимлари, халқ таълими, маданият ва санъат, тиббиёт ходимлари учун «Заковат» номли журнал нашр қилишга қарор қилинди. Мазкур журнални вилоят зиёлиларининг чинакам минбарига айлантирамиз. Бу журнал ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва илмий-оммабоп мазмунда бўлиб, бир йилда икки марта нашр қилинади. Унда энг долзарб муаммолар, ислоҳотлар самарасини таъминлашга, фойдали ташаббуслар ва янгиликларни тарғиб қилишга хизмат қиладиган мақолалар ўз ифодасини топади.

Шунингдек, олимларнинг илмий ва ижодий изланишларини рағбатлантириш мақсадида илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги энг яхши асарларнинг муаллифларини вилоят ҳокимлиги томонидан мукофотлашни назарда тутаяпмиз. Хусусан, энг яхши илмий ишларни учта асосий йўналишда табиий-фундаментал, ижтимоий-гуманитар ва тиббиёт, экология, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича саралаб оламиз ва бундай ишларга муносиб баҳо берамиз. «Зиёлилар саройи»да ҳимоя қилинадиган диссертацияларнинг рефератлари ҳокимлик томонидан илмий ходимларга бепул чоп эттириб берилади.

— Устоз ва шогирд анъаналари, ёшларнинг фаоллиги ҳаётга яқин бўлади ҳам демоқчисиз-да?

— Устозларнинг ёшларга маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатишдек маънавий ҳуқуқимиздан тўлароқ фойдаланишимизни истардим. Уларнинг ўгитларига, доно насиҳатларига муҳтожлик бугунги кунда айниқса катта.

16 февралда пойтахтда содир этилган мудҳиш воқеалардан келиб чиқадиган сабоқларни ёшларимиз онгига сингдириш, уларни тўғри йўлга бошқаришда зиёлиларнинг, оқсоқолларнинг кўмаги, айниқса жуда зарур.

Юртбошимиз ёшларга катта умид боғлаётганлари ҳам бежиз эмас. Буни чуқур англаб етишимиз лозим. Ёшларимизга чуқур билим ва малака бериш билан бирга уларнинг эътиқодини ҳам мустаҳкамлаб боришимиз керак. Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис XIV сессиясида ҳам бу мавзуни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Юнон донишманди Арастудан «Сенинг бойлигинг қаерда?» деб сўраганларида, «Шогирдларимнинг вужудида» деб жавоб берган экан. Устозларнинг билим ва тажрибаси шогирдлар вужудига қанча кўп сингса, бундан барчамиз ютамиз, турмушимиз ҳам юксалиб боравераді. Ахир маънавиятимиз юксак бўлса, турмушимиз буюк бўлади.

Шу ўринда мен бир нарсага тўхталмоқчиман. Яқин ўтмишда Самарқандда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича ўзига хос мактаблар вужудга келган эди. Масалан, академик Воҳид Абдуллаевнинг «Мумтоз адабиёт мактаби», академик Акбар Отахўжаевнинг оптика мактаби, тилшунос олимларнинг фразеологик мактаби, химик-биологлар, математик ва тарихчиларнинг ўзига хос мактаблари бор эди. Айниқса, Самарқанд фалсафа мактаби республикамизда маълум ва машҳур.

Бугунги кунда илмий салоҳиятимизнинг кўрки бўлган ушбу мактабларнинг анъаналарини давом эттиришга етарли эътибор берилади. Ёшларимизни илмий-тадқиқот ишларига кўпроқ жалб қилиш, илму урфон бобида Самарқандимизнинг азалий анъаналарини изчил давом эттиришни чин дилдан истаймиз. Буни, албатта амалга оширамиз. Ёшларимиз илғор анъаналаримизни давом эттирибгина қолмай, уларни янада бойитиши, юксалтиришлари лозим. Ахир, жамият тараққиётининг энг асосий шарти ҳам шунда-ку! Буни Президентимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида яққол исботлаб, кўрсатиб берди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лутфулла МАМАСОЛИЕВ суҳбатлашди.

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Устувор йўналишлар руҳида

Ўзбекистон ХДП бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ташкилий жиҳатдан уюшган, ишчан ва таъсирчан рухда ўтказилмоқда. Жамоатчилик ўртасида обрў топган , масъулиятни чуқур ҳис этадиган ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фаоллар, бошланғич партия ташкилоти котиблари ҳамда ижроия бюро аъзолари этиб сайланмоқдалар. Биз шу муносабат билан Андижон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби С. Раҳимовдан бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

— Ҳисобот-сайловининг дастлабки босқичида партия ташкилотларининг меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойларида олиб бораётган фаолияти таҳлил қилиниб, эришилган ютуқ ва камчиликлар муносиб баҳоланди, — деб ҳикоя қилади биринчи котиб. — Муҳими, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда. Вилоят партия кенгашининг ижроия бюро мажлисида «ЎзХДП вилоят бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини бориши тўғрисида»ги масала муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, партия аъзоларининг йиғилишларда тўла қатнашаётгани, музокорага чиқувчиларнинг сўзларида ўзига хос фикр, таклиф ва мулоҳазалар борлиги, камчиликларга муросасизлик акс этаётгани диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан, Марҳамат туманидаги машина трактор парки давлат ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилишда БПТ котиби Абдулҳамид Искандаровнинг маърузаси ва музокарада қатнашган партия аъзоларидан Акрамали Каримов, Аҳмаджон Аброров, Маъмуржон Насриддинов ва Аҳмаджон Ҳамдамовлар диққат-эътиборни ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш, партия сафларини муносиб кишилар ҳисобига кенгайтириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлашга қаратишди. Шунингдек юртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасини чуқур ўрганиш барча ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди.

Жалолқудуқ тумани «Ёрқишлоқ» қишлоқ хўжалиги кооперативидаги ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам жўшқин ва мароқли ташкил этилди. Қишлоқ ширкати жамоасида ҳисобда турган 100 га яқин партия аъзоси қатнашиб, 7 нафар ХДП аъзоси сўзга чиқди. Биринчи ширкат уюшмаси раиси Баҳромжон Ортиқов, Боғдорчилик ширкати раиси Одилжон Пахриддинов, консерва цехи бошлиғи Абобакир Қобуловлар истак-таклиф ва тавсияларни ўртага ташлаб, ислоҳотларни чуқурлаштиришда партиядошларимизни фаолроқ бўлишга чорладилар.

Умуман ҳисобот-сайловлар ташкилотларимиз учун ўзига хос синов бўлди.

Мирзо АНВАР

Барча ишда фаол бўлайлик

Тахиаташ шаҳрида Тахиатош ГРЭСи бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар корхонада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, илғор тажрибаларни жорий қилиш асосида, аҳолини бир меъёрда электр энергия билан таъминлашда ибратли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Қуввати 730 меговаттга тенг ГРЭС Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятини электр энергия билан таъминламоқда. Ўтган йили 2 миллиард 596 миллион 291 минг киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилди.

Корхонада ўн уч миллат вакиллари иноқ бўлиб ишламоқдалар. Бу ерда партия сафи ишда илғор, партия Дастури ва Низоми билан яхши таниш-ган кишилар ҳисобига тўлдирилмоқда. Ўтган икки йилда 42 киши Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилинди. Улар сони 118 кишига етди.

ГРЭСда ишловчиларнинг деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Партия ташкилоти «Камолот», хотин-қизлар кенгаши, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат гуруҳлари билан ҳамкорликда ёш ишчи-хизматчилар орасида тарбиявий ишлар олиб бормоқда.

Айни пайтда ишда рўй бераётган камчиликлар, нуқсонлар жиддий равишда танқид остига олинди. Бунинг устига ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маблағлар етишмаслигидан 32 квартирали турар жойнинг қурилиши тўхтаб қолган.

Нурулла Абдуллаев, Турсунбой Сулаймоновлар ҳам худди шундай камчиликларни рўйрост таҳлил қилиб бердилар.

— Партия ташкилоти ишларини янада яхшилаш, рўй бераётган камчиликларни бартараф қилиш учун партия аъзоларининг фаоллигини, ташаббускорлигини яна оширишимиз зарур, — деди. ГРЭС директори Олег Ревенков.

Партия йиғилишида шаҳар партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди. Жумабой Холмуродов Тахиатош ГРЭСи бошланғич партия ташкилоти котиби этиб қайта сайланди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Саркотиб ўзгарди

Партия ахбороти

ХДП Тойлоқ тумани кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда юртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни партия фаолиятига тадбиқ этиш ҳақида ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва туман ҳокими Ж. Ашуровлар батафсил фикр юритдилар.

Шунингдек, пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Илгари Р. Сайитназаров номли агрофирма раисининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, бошланғич партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлаган А. Зоҳидов ХДП туман кенгашининг саркотиблигига сайланди.

Ўз мухбиримиз.

Фахрийларга иззат

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши Хотира ва Қадрлаш куни арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари учун Қувасой шаҳридаги сўлим оромгоҳда дастурхон ёзди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган отахон ва онахонлар бир пиёла чой устида ўтмиш хотираларини эсладилар, мамлакатимизнинг бугунги кунига шукрона айтдилар.

Фурсатдан фойдаланиб ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби А. Эгамбердиев фахрийларга эсдалик совғаларини топшириди.

Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Маъруфова иштирок этди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ер яшнаса эл яшнайди

Анжуман

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Аҳолининг 40 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд. Республикамиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлгач, ривожланишнинг етакчи йўналишларида илғор технологияга асосланган хўжалик юритишни шакллантириш муҳим масалалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 февралдаги фармойишига кўра Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, агросаноат мажмуини барқарорлаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, экологик ҳолатни соғломлаштириш, олимлар ва мутахассисларнинг илмий-амалий фаолиятини мақсадли йўналтириш, халқаро илмий-техник алоқаларни мустаҳкамлаш, инновация ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Республика аграр сиёсатининг устувор йўналишлари муҳокама этилган мазкур йиғинда, асосий эътибор қишлоқ хўжалигини илгор технологияларсиз эришиб бўлмайди. Энг илгор технология биқуролланган техникани мамлакатимизга келтириш учун чет эллик ишбилармонларни, тадбиркорларни ҳамкорликка жалб этиш лозимдир. Она заминимиз бағрида исталган ўсимликни, мевали дарахтни етиштириш мумкин. Қуритилган ҳолда экспорт қилиш, бежирим, кишини ўзига жалб қиладиган гулқоғозларда қадоқлаш танга шифо бағишловчи меваларимизнинг баҳосини ошириши табиий. Деҳқон хусусий ерида етиштирган маҳсулотини ўзи эркин баҳода сотиш даражасига эришиш ҳам муҳим масала.

— Биз аввало деҳқоннинг кўнглидаги ерга эгалик ҳуқуқини амалдаги қонун асосида шакллантиришимиз керак. Ўз хўжалигини ташкил этаётган деҳқон ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаб олса, фаолиятида ривожланиш бўлади. Шунинг учун консалтинг сервис хизматини жорий қилдик. Бу хизмат жойларда хусусий хўжалик ташкил қилган ва ташкил қилмоқчи бўлган деҳқонларга амалдаги қонун, қоидаларни тарғиб қилиб боради, — дейди институт директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Норқул Хўшматов.

Олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтган амалий конференция ўз олдига қўйган мақсадига бир қадар эришди. Хўжалик меҳнаткашларининг сиёсий онгини ошириш, янги технологиялар жалб этиш, ер эгалигига янгича ёндашиш масалаларида қатъий фикрга келинди. Эндиликда олдимизда анжуманда кўтарилган илғор фикрларни амалиётга тадбиқ этиш қолди.

Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўтмишнинг ўйғоқ кўзи

Бухородаги қадимий Арк қалъаси устидан шаҳарнинг ғарбий томонига диққат билан назар солсангиз, тўрт чақирим олисда Ўрта Осиёдаги энг йирик ҳамда нодир тарихий-меъморий ёдгорликлардан бири Чор бакр мажмуи кўзга ташланади. Қадимий Сумитан қишлоғида жойлашган бу обидани шўролар даврида «Марҳумлар шаҳарчаси» ҳам деб аташганди.

Мажмуа номи Чор бакр деб аталса-да, бу зиёратгоҳ Жўйбор шайхларининг биринчи аждодлари, X асрда Ислом дини билимдони ҳисобланмиш икки бакр — Абу бакр Саид ҳамда унинг ўғли Абу Бакр Аҳмад дафн этилган муқаддас жой сифатида машҳурдир. Ушбу мажмуани асл ҳолига қайтариш мақсадида бугун катта ишлар олиб бориляпти. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида ёдгорликларни таъмирлаш махсус илмий-ишлаб чиқариш устахонаси, «Бухорогазсаноатқурилиш», «Бухороавтойўлқурилиш», «Ўзбекгазсаноатқурилиш», «Ўзэлектромонтаж» ҳиссадорлик жамиятлари, ўнга яқин автохўжалик жамоалари, юзлаб қўли гул усталар қатнашмоқдалар. Ҳа, тез орада обида яна қадимий фусункор ҳуснига эга бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ватан ҳимоячиларининг жанговор тайёргарлигини оширишда тактик-ўқув машғулотларининг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм ва бўлинмаларида хизмат қилаётган жангчиларнинг бундай машқларда иштирок этиши, давлатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, барқарорликни таъминлаш омили эканини кўрсатди.

Суратларда: Ватан ўғлонларининг тактик-ўқув машғулотларидан лавҳалар.

Суратларни Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган

Қотилга ўлим жазоси

Суд ҳукм ўқиди

Ўтган йилнинг 4 августидан 5 августига ўтар кечаси тунги соат 24.00 лар чамаси ўз даласидаги чайлада ухлаб ётган Адолат Мухторова ва унинг олти ёшлардаги ўғли Муродхўжа Маҳкамовларнинг ширин уйқуси бузилди. Улар билан ноқонуний равишда бирга яшаб келаётган Холмурод Отажонов ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ уйқусираган ғўдакка дўқпўписа қилиб, уни шеър ўқиб беришга мажбур қила бошлади. «Ота» важоҳатидан гарангсиган, ҳали ўқишни, ёзишни ҳам билмайдиган норасиданинг бисоти эса беш-олтита шеър билан тамом бўлди. Бу орада «талабчан», «маърифатпарвар ота»нинг авзойи тамоман бузилиб «тарбия»нинг янгича йўлига ўтди. Бечора ғўдакни чайла атрофида югуришга мажбурлади.

Воқеанинг ўта жиддий, ғайриинсоний тус олаётганлигини кўрган она Адолат Мухторованинг зўравонликни тўхтатиш, болани урмаслик ҳақидаги илтижолари эса қутурган «ота»нинг диққатини янада оширди. Болага қўшиб онасини ҳам ура бошлади, уни сим билан бўғиб ўлдириш пайига тушди. Онани обдон ҳолдан тойдиргач, чайла атрофида югуришдан чарчаб йиқилган ғўдакни «қутирган ит мисоли» уриб, тепа кетди. Бу ёруғ дунё лаззатини тотиб кўришга улгурмаган норасида калтак, тепки зарбидан ҳушсизлана бошлаганда уни бир неча бор кўтариб, улоқтира бошлади. Болакай ҳар ерга урилганида инграр, раҳмсиз «ота»дан нажот, раҳм-шафқат сўрарди.

Ваҳшийлашган, ўз хаттиҳаракатлари билан мутлақо инсонийлик қиёфасини йўқотган Холмурод Отажонов бу ҳаракатини нечанчи бордир такрорлаганида у аллақачон ҳаёт билан видолашган, оғриқ, калтак зарбасидан қутулиб бўлган эди. Ўз хуморидан чиққан қотил «ота» шундан сўнг воқеа жойидан қочиб кетди.

Ўн гулидан бир гули очилмаган, ўртоқлари билан сумка кўтариб, мактаб партасида ўтириш бахти насиб қилмаган олти ёшли Муродхўжа Маҳкамов ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан олиб борилиб, Холмурод Отажоновнинг содир этилган қотилликдаги айби тўпланган далил-исботлар билан ўз тасдиғини топгач иш суд ҳукмига топширилди. Ўз инсонийлик қиёфасини йўқотган, жамиятимиз равнақига қора доғ тушираётган кимса Холмурод Отажоновга одил суднинг адолатли ҳукми ўқилди. Унинг қотиллиги ва яна бир неча жиноят содир этганлиги инобатга олиниб энг олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Сайдамир МУХТОРОВ, Чирчиқ шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси. Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Саид АҲМАД

Азроил ўтган йўлларда

Ҳикоя

Собиқ шўро терговчилари қўлида азоб чеккан юртдошларимга бағишлайман.

Зўр кураш кўрамиз, деб келганларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Биринчи даврадаёқ кураш аланга олмай, чўғлигича қолди.

Икки полвон ярим соатдан бери **ҳадис** олиб, томошабинларни зериктириб юборди. Даврада ўтирганларнинг тоқати тоқ бўлди.

— Ажрим қиворинглар, кураш кўргани келганмиз!

— Жалол полвон чиқмаса кураш қизимайди. Жалол чиқсин!

Жалол полвон етмиш ёшларга борган, эллик йилдан бери кураш тушади, шу пайтгача қураги ер кўрмаган полвон.

Ишқивозлар уни беҳудага курашга чақиришмаётган эдилар. У даврага чиққани билан талабгор бўлмагани учун қайта жойига бориб ўтиради. Қурашаман, деб келганларнинг кўпчилиги ундан енгилган, ҳаммасининг алами ичида эди.

Ишқивозлар талаб қилаверганларидан кейин баковул уни даврага судраб чиқди. Қўлидан ушлаб ўртада айлантириб юрди.

— Мамлакатимизнинг мутлақ чемпиони, юзлаб ёш чемпионларнинг устози Жалол полвонга талабгор борми? — деди у даврага мурожаат қилиб.

Ҳеч ким чиқмади. У билан бир беллашсам армоним йўқ, деб келган ўспирин полвонлар одоб сақлаб жим ўтиришарди.

Орқа қаторда ўтирган йигирма беш ёшлар чамаси бир йигит ўрнидан турди.

— Мен беллашаман!

Ҳамма унга қаради. У танаси худди чўяндан қуйилгандек, митқи бир йигит эди. Елкалари кенг, билакларидан мушаклари бўртиб чиқиб турган, очиқ кафтига битта одам бемалол ўтирса яна икки бармоғи ортиб қоладиган бўз йигит эди. Даврада кимдир ҳазил қилди:

— Вой-бў, баданига мих қоқсанг қайилиб кетади-ку!

Кимдир, Жалол уни икки ямлаб, бир ютиб юборади, деб юборди.

Жалол полвон писанд қилмагандек мийиғида кулиб турарди. Унинг жилмайиши ёш полвоннинг нафсониятига тегди.

— Қўй, болам, мен ғўдаклар билан курашмайман. Ўз тенгинг билан беллаш, — деди унга насиҳат қилгандек.

— Йўқ, фақат сиз билан курашаман. Билиб қўйинг, енгаман! Курагингизни ерга ишқайман!

— Катта кетма, бола! Менинг курагим фақат ўлганимда — гўрда ётганимда ерга тегади.

«Майли, майли, беллашсин, боланинг сазаси ўлмасин, хўп денг, полвон бува!» деган овозлар чиқди.

Баковул икки томоннинг розилигини олиб: «Бўстонлиқлик Жалол полвон ёзёвонлик Эрмат полвон билан беллашишга рози бўлди!» деб эълон қилди.

Жалол полвон ерга ўтириб этигини ечаркан, қилаётган иши ўзига кор қилиб, энди кунинг шу мишиқи ғўдакка қолдими Жалол, шу норасида болани енгиб, нима обрў топасан, дерди ичида.

Эрмат полвон эса уни писанд қилмай, енгаман, дегандек мағрур турарди. Унинг бу «сурбетларча» туриши Жалол полвоннинг ғашини келтирди. Энди ўзингдан кўр, бола, деб ўрнидан турди.

Бакавул уларнинг белбоғларини бошқатдан бойлаб, омин, деб фотиҳа берди.

Жалол полвон бепарво эди. Қани, бир уриниб кўрсин, деб қўйиб берди. Эрмат унинг белбоғи орқасига қўлини суқиб, билагига уч марта ўради. Жалол полвон хотиржам эди. Эрмат: «Ё эгам, ўзингдан мадад!» деди уни бир силтаб кўтариб, оёғини ердан узди. Яна бир марта силкинганида кўкрагигача чиқарди, турган ерида икки айланиб чап ёнбошга отди. У болалар чойнак қопқоғини бураб қўйиб юборгандек чир айланиб, яна қимирламай туриб қолди.

— Энди, бас, хумордан чиқдингми, — деди у рақибининг қулоғига. — Энди навбат менга! — У шундай деб Эрматни бир силтаб кўтардию ерга отди. У ерга чалқанча тушди. Жалол полвон тик турганча энгашиб унинг икки елкасидан босди. Эрмат типирчилади. Рақибининг чайир қўллари ҳамон унинг елкасини ерга қапиштириб турарди. Шунда... Шунда Жалол полвон рақибининг ўт чақнаган кўзида ғўдаклар йиғлаганда оқадиган шаффоф, бокира ёшларни кўриб, сесканиб кетди. Унинг елкасидан қўлини олиб, ажиб бир меҳрибонлик билан қўлидан тортиб турғазмоқчи бўлди. Аммо Эрмат унинг қўлини силтаб ташлади.

Эрмат ўкириб-ўкириб йиғлади... Бу йиғи Жалол полвоннинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Болам, йиғлама, кўзёшингни ют, биров кўрмасин, деди унинг қулоғига шивирлаб. Эрмат шу заҳоти яктагининг енгини кўзига суртди. Увол, увол, дерди Жалол полвон. Мана шу бола менинг ўрнимга қолади. Уят иш қилиб қўйдим. Боланинг шохини синдирдим. Аттанг, аттанг...

Жалол полвон гулдурос қарсак товушлари остида даврадан чиқиб кетди. Этагини тутиб пул йиғмади. Ёнғоқзор оралаб уйи томон кетди. Йўл-йўлакай, бу енганимми, деб ўзидан ўзи сўраб борарди. Енгилганим, енгилганим! Майда болалар билан бел олишадиган бачкана полвон бўлиб қолдингми Жалол, дерди бошини сарак-сарак қилиб.

Эртага жавоб беллашуви бўлади. Нима қилай? Беллашмасам, полвонлик шаъним тупроққа қоришади. Беллашсам-у, атайин йиқилиб берсам, унда нима бўлади? Полвонлик ғуруримни қаёққа яшираман...

Шундай хаёллар билан кетар экан, яқин орада аёл кишининг қиқирлаб кулгани эшитилди. Аланглаб қаради. Уч тегирмон сув оқадиган сой бўйидаги харсанг устида ўғли Қўчқорвой Нурим сартарошнинг келини Одинани бағрига босиб ўпаяпти. Одина қийшанглаб кулар, Қўчқорнинг юзига беозор шапатиларди. Сойнинг шовуллашидан улар оёқ товушини эшитмасди. Ўз ишлари билан машғул эдилар. Қўчқор Одинани тиззасига ўтқазиб олиб, юз-кўзларидан, лабларидан тинмай ўпарди.

Жалол полвон нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди. Қўчқорнинг ерга тушган дўпписини олаётган Одина сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Вой, мен ўлай... дадангиз! Шарманда бўлдик! — дедию тугмалари қадалмаган ҳарир кофтасини очиқ қолган оппоқ кўкрагига босганича қочди.

Қўчқор нима қилишини билмай дадасига қараб тургач: «Йигитчилик — итчилик экан-да, дада, — деди. — Бу аҳмоқ, эримни турмадан чиқармасанг, ўзимни сувга ташлайман, деб...»

— Дуруст, дуруст... Бир одамгарчилик қипсан-да, баракалла! Агар қучоқлаб турмаганингда, бағрингга босиб томоғининг тагидан ўпмаганингда, албатта, ўзини сувга отарди. Менга қара, кўппак, хотинингни олдига шу алпозда борма! Юзингни артиб ол, ҳаммаёғинг қип-қизил лаб бўёғи бўлиб кетибди.

Жалол полвон ғудрана-ғудрана нари жўнади.

Полвон ўғлининг шу жувонга анчадан бери айланишиб қолганини биларди. Одинанинг эри қамалмасдан бурунoқ бошланган эди бу савдо.

Нурим сартарошнинг ўғли Собит зўр Одинани Чустнинг Олмосидан опқочиб келганди. Ҳусни бир дунё, юзи сутга чайқаб олингандек, кўзлари-ку... Бу дунёда унақа кўз бўлмаса керак. Машҳур рассом Чингиз Аҳмаров уни Нанайда кўриб қолганда, бу жувоннинг кўзларида лазер нури бор, қараган жойига ўт қўяди, деган эди. Қўчқор оҳудек ҳуркагич шу дилбарга элакишиб қолди. Неча марта учрашувга чақирди, келмади. Эридан қўрқди. Эри уни ҳаддан ташқари рашк қиларди. Собит зўр қишлоқда тизгинсизлиги билан машҳур эди. Кўнгилга келган ҳар қандай ишни тап тортмай қилиб кетаверарди. Баъзан у икки-уч ойлаб йўқ бўлиб кетар, поездларда лўлиларга қўшилиб қимор ўйнар, йўловчиларни қарта ўйинига тортиб, чўнтакларини қоқлар эди. У йўқ пайтларида қишлоқ тинчиб қоларди. Одамлар Собит йўғида қишлоқ дам олади, дейишарди. Баъзан у бор буд-шудини ютқазиб уйига қоронғи тушганда майкачан қайтиб келарди. Беш-ўн кун уйида «мўмин-қобил» бўлиб юрардида, яна сигирними, бузоқними ўғирлаб, лўлилар тўдасига қараб кетарди. Омади келган пайтларда бир халта пул билан қайтар, сигир-бузоқ эгаларини сахийлик билан рози қилиб, ўз кўнглида гуноҳларидан фориғ бўларди.

Собит зўр Одинани Олмосдан опқочиб келгандан кейин номи ўзига ярашмай қолди. Худди онаси бошқатдан туққандек яхши бола бўлди-қўйди. Қўни-қўшнилар Собитга худо инсоф берди, деб севинишди.

Собит отасига қўшилиб тўю маъракаларга боради. Нурим сартарош ичкарига — қариялар олдига кириб кетганда Собит ташқарида қолиб самоварчига қарашар, келди-кетдига чой ташир, ошпазга ўтин ёриб берарди. Унинг бир чиройли қобил бола бўлганидан севинган ҳамқишлоқлар, «Қаранг-а, худо инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас экан», дейишарди.

Собит Одинани ер-кўкка ишонмасди. Одина эса бу эркалашлардан талтайиб кетган эди. Рўзғор ишларига қўл урмасди. Ҳатто ечиб ташлаган кийимларини қайнонасининг олдига ташларди. Овқатни еб, идиш-товоқни йиғиштирмай индамай туриб кетаверарди. Қайнонаси жавраб-жавраб кир ювар, жавраб-жавраб ҳовли супурар эди. Баъзан у эрига нолиб қоларди:

— Нега индамайсиз, бошимизга чиқиб олди-ку, қайнотамисиз, нимасиз? Мен кимман? Қайнонаманми, келинманми? Мундоқ насиҳат қилиб қўйсангиз бўлмайдими?

Нурим сартарош босиқлик билан жавоб қиларди:

— Қўй, хотин, кўпам зорланма. Ўғлинг шунга андармон бўлиб, қиморбоз дўстларидан кечди. Ёмон қилиқларини ташлади. Шу келин деб юртга қўшилиб қолди. Икки марта жума намозига ҳам олиб бордим. Келинингдан нолима, унга раҳмат де. Ўғлинг ҳозир мисоли мажнун.

Собит ҳар куни кечқурун жомда иссиқ сув опкириб хотинининг оёғини ювиб, оппоқ сочиққа артар, тирсиллаб турган болдирларига шапатилаб уриб қўярди. Кейин уни даст кўтариб тўшакка ётқизарди. Одина бу хизматларга мукофот сифатида узук тақилган бармоқларини унинг пешонасига тегизиб ўпиб қўярди.

Собит ҳали тонг ёришмай елкасига милтиқ ташлаб тоққа чиқиб кетарди. Тоғнинг салқин ҳавосида қанотлари карахт бўлиб қолган беш-тўртта каклик уриб келарди. Хотини уйқудан турганча какликларнинг патларини юлиб, тозалаб, тузлаб қўярди. Одина ҳовлига чиққанда шамол учириб юрган патларни кўриб бурнини жийирарди. «Шу каклик ўлгир ҳам жонимга тегиб кетди-да», деб нолирди.

Собитга отаси, болам, ўртоқларинг ҳашарга айтса, қолмагин. Энди сен юрт ичига кириб қолдинг. Кексалар олдидан саломсиз ўтмагин, ўтирган бўлсанг, ўрнингдан туриб салом бергин, деб насиҳат қиларди. Онаси бўлса унинг қўйлакларини жухуд домлага обориб дам солдирарди. У ёзиб берган аллақандай қоғозларни чойга ивитиб ичирарди.

Кунларнинг бирида эшик тақиллаб қолди. Собит эшикни очса, остонада машҳур рассом Чингиз Аҳмаров турипти.

— Келинг, мулла ака, — деди Собит унга ҳайрон қараб.

— Келиннинг сувратини ишлашга рухсат берсангиз. Париж кўргазмасига юбораман.

Собитнинг бундан беш ой олдинги қони кўпирди. Панжалари муштга айланди.

— Қани, яхшиликча жўнаб қолинг, бўлмаса бир кор-ҳол бўлади. Мени ким деб ўйладингиз, хотинини томошага қўядиган ҳезимкашлардан деб ўйладингизми?

Аҳмаров бир сўз айтмай орқасига қайтди. У шунақа жавоб бўлишини аввалдан биларди. Зора унга худо инсоф бериб рози бўлса, деб ўйлаганди.

Лекин бу беқиёс истеъдодли рассомда бир-икки марта кўрган одам қиёфасини ёддан чиза олиш қобилияти бор эди. Барибир ишлайман, дея дилига тугиб қўйди.

Қўчқор Одинага етишиш учун бор ҳунарини ишга солди. Собитни хўкиз ўғирлади, деб қаматди. Тергов пайтида мотоцикл ҳам ўғирлагансан, деб сохта гувоҳга рўпара қилди. Ўзи унинг томига ташлаб қўйган бир халта қўкнорини ҳам «дело»га ёпиштирди. Собит саккиз йилни бўйнига олиб кетдию хотини милиция терговчиси — капитан Қўчқор Жалоловга қолди. Хоҳлаган пайтида учрашиб, айш-ишрат қилишга имкон яратилди. Бир кун Одина унга эркаланиб, ўлсин, тўнка эримдан айниган тухумнинг ҳиди келарди, деб кулди.

Яқинда, бир ҳафтача бўлди, Собит турма қоровулини ўлдириб қочган эмиш, деган гап тарқалди.

Бу гапни эшитган Нурим сартарош боласидан умидини узиб қўйди. Энди уни эплаб бўлмайди. Бу бола қон тўкиб қўйди. Унинг ичидаги аждар уйғониб кетди. Энди у дуч келганга ўт пуркайди, дуч келганни ғажиб ташлайди, деб афсус-надоматлар чекди.

Шу тобда кўзи олдида бўлиб ўтган ҳодиса Жалол полвонга негадир таъсир қилмади. Унинг хаёли эртага бўладиган кураш билан банд эди. Нима қилсин, беллашмаса, Жалол полвон қочди, дейишади. беллашса, бир навқирон йигитнинг дили вайрон бўлади. Эрмат енгилса курашга қўл силтаб, иккинчи марта даврага чиқмайдиган бўлиб кетади. Агар унга йиқилиб берса, эллик йил елкаси ер искамай келган, шу охирги кураш-дан кейин полвонликни ташлаб, умрининг қолганини тоат-ибодат билан ўтказаман, деб аҳд қилиб қўйган. Кураш — бошқаларга томоша. Полвон учун эса ғурур, нафсоният, айниқса, охирги жангдан тўнининг чангини қоқиб, даврадан бош эгиб чиқиб кетиш Жалол полвонга ўлим билан баробар эди.

У шундай деб ўйладию дарров фикридан қайтди. «Жалол, шунақа паст одаммисан? Бир оёғинг гўрда турибди-ю, шон-шавкатни ўйлайсан-а! Уят, уят!»

У бир-бирини инкор қиладиган хаёллар гирдобида тўлғаниб-тўлғаниб уйқуга кетди.

... Бугунги курашга кечагидан икки баробар кўп одам келган. Уч автобусда шаҳардан ишқибозлар, енгил машиналарда туманлардан полвонлар келишган. Кечаги кураш телевизор орқали кўрсатилган эди. Жавоб беллашув қандоқ бўлар экан, деб келганлар сон-саноқсиз.

Кабобпазлару музқаймоқ чиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Жалол полвон бугунги беллашувга хушламайроқ келди. Ўзига қолса, мен енгилдим, деб қайтиб кетишга ҳам рози эди. Уни бу ерга фақат орият олиб келганди.

Саккиз беллашувдан кейин Жалол полвон билан Эрмат полвонга гал келди.

Эрмат полвоннинг қовоғи солиқ. Ундан кечаги мағлубиятнинг заҳри кетмаганди. У рақибига тилар-тилмас, ҳатто, бетига қарамай қўл берди. Унинг авзойи бузуқ. Агар бугун Жалол полвонни тупроққа қориштирмасам, фалон-пистон бўлай, деб дўстларининг даврасида оғзига ёмон сўз олиб қўйган. Полвон халқи жазавага тушганда берган ваъдасини унутадиган қавмдан бўлади. Кечаси билан Жалол полвон ўйлаб-ўйлаб, Эрматга йиқилиб берай, энди зўр келиб қаёққа борардим, шу ёш полвонга бугунги ғалабаси қанот бўлсин, деб ният қилганди. Беллашув пайтида ниятидан ғурури ғолиб келди. Бу ўжар, ўзига ортиқча бино қўйган полвончанинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Эрмат ҳам астойдил эди. Унга асло белини бермасди. Жалол полвон уни ўзига тортганда, бир кучаниб қўлини чиқариб юборарди. У эллик йил курашиб ҳали бунақа бели бақувват полвонни кўрмаган эди. Кўпдан синалган усулини қўлламоқчи бўлди. Рақибини бағрига қапиштириб кўтарганда ҳар қандай полвон ҳам тоб беролмасди. Бунинг учун аввал Эрматни бағрига тортиши керак. Аммо Эрмат бир кучанганда Жалол полвоннинг бақувват қўллари узилган занжирдек чиқиб кетарди. Жалол полвон пайт пойлаб уни бағрига босди. «Ё тангрим!» деб оёғини ердан узди. Ҳамма жим. «Жалол ютди, Жалол ҳозир уни ерга қапиштиради» деган овозлар эшитилди. У рақибини энди ёнбошга отмоқчи бўлиб турганда ёнғоқзордан кетма-кет икки марта ўқ товуши эшитилиб қолди. Ҳамма ёнғоқзор томонга қаради. Отилган ўқ гўё Жалол полвоннинг қон томирига, бақувват пайларига теккандек бўлди. Бир дам қони айланишидан тўхтагандек, пайлари дуторнинг таранг ипларига сув сепилгандек бўшади-қолди.

— Ур, ур, болам! — деди Жалол полвон инграб. — Шу топда ерга отмасанг, кейин мени енголмайсан!

Эрмат нима бўлаётганини тушунмасди.

— Ур, шошиб турибман! Зудлик билан кетишим керак, ур!

Эрмат уни даст кўтариб ўнг ёнбошга отди. Жалол полвон икки қулочини ёзганча ерда ётар экан: «Енгдинг, енгдинг, бола! деди.

Эрмат унинг қўлидан ушлаб турғазиб қўйди. Жалол полвон этигини ҳам киймай ёнғоқзор томонга ўқдек учиб кетди.

Даврада шивир-шивир гап айланиб қолди: «Ёнғоқзорда Собит зўр Қўчқор билан Одинани отиб кетибди...»

Икки марта ўқ отилгандаёқ Жалол полвоннинг юраги мудҳиш воқеа юз берганини сезганди.

Саккиз йил мусичадек бир-бирининг патини ялаб яшаган, эри ишдан кечикса остонада интизорлик билан кутадиган, келиши билан бўйнига осиладиган хотининнинг бир дақиқада эридан кўнгли қолиши мумкинми?

Уйга олиб келишганда Қўчқорнинг танаси ҳали совумаганди. Билагидаги соати чиқиллаб юриб турипти, миллари бепарво айланяпти. Ундан дам ўтмай қандайдир шўх куй таралади. Хотини Гуландом фарёд уриб унга ўзини отди. Отдию бир дақиқа ўтмай нафрат билан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Мурдадан француз атирининг ҳиди келарди. Унинг юзларида, бўйниларида, кўкракларида қип-қизил лаб бўёғининг излари аниқ кўриниб турарди.

Шу топда ўлган Қўчқор эмас, Гуландом эди. Орзулари, кўксида ёнган оловдек муҳаббат, эркаланишлари бир зумда жон берди-қўйди.

Марҳумнинг йигирмаси ўтгунча ҳам Гуландомнинг кўзида ҳеч ким ёш кўрмади. Гўё у эрининг эмас, бегонанинг маъракасида юргандек эди. Қулоғидан зирагини, бўйнидан шода-шода марваридларини, бармоқларида чақнаган узукларини олиб қўймади. У азадор уй соҳибаси эмас, тўй эгасидек эди.

Гуландомнинг борадиган жойи йўқ эди. Тўйда келин томондан биронта тирик жон келмаганди.

Полвон ўғил уйласам, қудаларим билан борди-келди қилсам, деб орзу қиларди. Афсус, ундай бўлмайди.

Қўчқор Оҳангарон томонларда милиция терговчиси бўлиб ишларди. Бир тўйда Гуландомга кўзи тушадию ҳаловатини йўқотади. Ётса ҳам, турса ҳам кўзидан Гуландом кетмайди. Нема марта йўлини тўсиб гапга солмоқчи бўлади. Аммо қиз ёввойи каптардек унга тутқич бермас, ошиқ йигитнинг ёлворишларини эламас эди. Охири Қўчқор кўпдан синалган усулини қўллайди. Гуландомнинг укасини мотоциклда одам уриб кетган, деб қамаб қўяди. Гуландом бош эгиб Қўчқорнинг олдига боришга мажбур бўлади. У қилади, бу қилади, қизнинг уёғидан ўтади, буёғидан ўтади, алдайди, аврайди. Фалон вақт фалон жойга кел, укангни кўрсатаман, дейди. Шундай учрашувлардан кейин Гуландомда Қўчқорга мойиллик сезила бошлайди. Қиз тегадиган бўлади, Қўчқор уйланадиган бўлади. Қўчқордан қизникига совчи келади. Ота унамайди. Жаллодга берадиган қизим йўқ, деб узил-кесил жавоб қилади.

Гуландомнинг онаси эрига ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлади.

— Рози бўлинг, дадаси, бўлмаса, шармандамиз чиқади. Йигит ўлгур қизимизни бошқа эрга теголмайдиган қилиб қўйган.

Хотининнинг гапи оғзида қолади. Ота сапчиб ўрнидан туриб ичкари уйдан Гуландомнинг сочидан судраб чиқади. Кўча эшигидан итариб чиқаради.

— Иккинчи бу уйда қорангни кўрмай! Оқ қилдим, — дейди.

Гуландом кечалари айвон даҳанига ўтириб, шум тақдирини қарғарди. Бегона хотин қўйнидан чиқиб келган нақс эр билан ётганига ўксиб-ўксиб йиғларди. Шундай пайтларда бу пушти қўйган, зурёдсиз эрининг гўрига ўтлар қўйиб юборгиси келарди.

Жалол полвоннинг буйрагига бирдан оғриқ кирди. Чидаб бўлмас бу оғриққа Жалол полвон тишинитишига қўйиб чидаб берди. Уч кун маъракага ким келди, ким кетди, билмасди. Ўзи билан ўзи овора эди. Охири у белини кўтаролмай букчайиб қолди. Докторлар оғриқни босадиган укол қилишди, барибир сал фурсатдан кейин яна оғриқ бошланаверди.

— Бу узоқ давом этадиган дард, — дейишди врачлар. — Агар тезроқ тузаламан десангиз, Бухорого боринг. Давоси ўша ерда. Бухоро санаторийсидан шифо топасиз. Албатта боринг, йигирма кунда тузалиб қайтасиз.

Оғриқ чидаб бўлмас бир ҳолга келди. Полвон жиянини чақиртирди.

— Жиян аҳволимни кўриб турибсан. Оғриқ зўрайиб кетди. Келгунимча бола-чақанг билан шу уйга қелиб тур. Ҳовлини шундоқ ташлаб кетаверсам ҳам бўлаверарди. Ўғри оладиган ҳеч вақо йўқ. Биласан-ку, мол-дунёга ҳирс қўймаган одамман. Аммо уйда бировнинг омонати бор. Жиянингни ўртоғи чет элга ишлагани кетган. Манави машина билан битта чамадонни ташлаб кетган. Омонатга хиёнат бўлмасин, деб ҳалигача итдек қўриқлаб ўтирибман. — У дарвозаси очиқ турган гаражга қаради. Устига брезент ёпилган «Волга»нинг ғилдираклари кўриниб турарди. — Эҳтиёт қил, болаларинг чизиб-нетиб ўтирмасин.

Қўчқорнинг ҳовлиси полвоннинг уйидан олти эшик нарида. Тошкентнинг энг яхши усталари қурган. Таги ертўлали саккиз хона уй. Ҳаммасига чўғдек ёнаман деб турган гиламлар тўшалган. Шифтларида биллур қандиллар. Жавонларида япон, хитой, немис чинниларидан. Ҳовли ўртасида фавворали тўртбурчак ҳовуз. Полвон хонларнинг саройидек ҳовлини кўрганда, болам уч уйландинг, худо сенга фарзанд бермади. Боланг бўлмаса, чақанг бўлмаса, шунча уйни нима қиласан, дерди. Эр-хотинга иккитагина хона бўлса етади-ку, деганда Қўчқор гапга чап бериб, ҳа энди, бу ҳам бир ишкибозчилик-да, деганди.

Остонада эшик кесакисига суяниб Гуландом турарди. У узоққа кетаётган қайнотаси билан хайрлашгани келган.

— Болам, — деди полвон унга, — азадор хотинсан, бўйнингдан, қулоқларингдан анави ялтир-юлтирларни олиб қўй. Ўзбекчиликда айб бўлади. Дўст бор, душман бор, ўзингни эҳтиёт қил. Энди сени кўриқлайдиган эринг йўқ. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзинг қоляпсан. Қулоғингдаги бу зирак жуда қимматбаҳо буюм эмиш. Самовардаги чойхўрлар эрмак қилиб, полвоннинг келини иккита «Волга»ни қулоғига илиб юрибди, дейишяпти. Уйда ёлғиз ётма. Хайр энди, соғомон бўлинглар. Сизларни Оллоҳга топширдим. Мен Бухоройи шарифга кетдим.

Жалол полвон тўнини елкасига ташлаб, кафти билан ўмганини босиб, инқиллаб, сафар анжомлари солинган халтани аранг кўтарганча букчайиб чиқиб кетди.

Етмиш йил яшаб бирон марта дардга чалинмаган, фақат болалигида қизамиқ бўлган, кўкйўтал бўлган Жалол полвон умрининг қолганини ҳам ана шундай доктору дори нималигини билмай ўтказаман, деб ўйлаган эди. Бандасининг айтгани бўлмас экан. Дард ҳам, дармон ҳам худонинг иродасидан. Ҳеч касал бўлмаган одам дардни оғир кўтаради. Жалол полвон беш кун бош кўтармай, шифтга боқиб, оҳ-воҳ қилиб ётди. Умрида емаган уколларни еди. Кўнгли айниб-айниб, қўланса дориларни ютди.

Мана, беш кун ўтиб, энди кўзини очди. Шунда қаерда ётганини билди. Атрофига қаради. Палатада ундан бошқа яна уч бемор бор эди. Улар етмишга етиб-етмаган, кўп дард тортганликлари шундоқ-қина билиниб турган кишилар эди. Бирининг ияги асабдан баъзи-баъзида чап томонга тортадиган, бири андак дудуқланадиган, бири оёғи ногирон одам эди.

Юрса ер силкинадиган, орқаси битта стул ўриндиғига сиғмайдиган Жалол полвон беш кунда бир бурдагина бўлиб қолди.

Тоғу арчазорларнинг шаффоф ҳавосига ўрганган бу одам дард билан бўлиб дори ҳидига тўлган палатанинг бўғиқ, қўланса бўйини сезмаган экан. Жони сал ором олиб, энди сезяпти.

— Меҳмон ако, бизде жидо кўрқитиб юбордингиз-ку! Хайрият кўзди очдингиз. Худо хоҳласа кри[illegible] ўтди. Апарасияга кўнманг. Бунақа сабел нозик нарса. Тиғ тегизиб бўлмайду.

Жалол полвон ияги чап томонга тортадиган бу одамнинг гапларидан бухоролик эканини билди.

— Ман кафил, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Томирингизга беш кундан бери гиподез деган дори томизишади. Бу дори қонни тозалайди. Йўқ демай билагингизни тутиб бераверинг. Бу ер касалхона эмас, санатория. Сизди шаҳардаги катта касалхонага олиб кетишмоқчи эди. Аҳволингиз оғир бўлгани учун безовта қилишмади. Энди ҳаммаси ўтди. Буёғига ўзимиздан қўли енгил дўхтирларимиз даволайверадилар.

Ҳамшира қиз Жалол полвонга дори ичириб, чиқиб кетаётганда дудуқланадиган бемор уни тўхтатди:

— Сангча бону, меҳмонди гулайсага олиб чиқсак мейлиму?

— Ойтимуллодан сўрай-чи, — деб чиқиб кетди ҳамшира. Жалол полвон «ҳамширанинг исми қизиқ экан, бу Ойтимуллоси ким бўлди экан», — деб ўйлади.

Бир оздан кейин эгнидаги оқ халати ўзига ярашган навбатчи врач кирди. У эллик ёшларни қоралаб қолса ҳам юзида битта ҳам ажини йўқ, кўҳлик аёл эди. Ўнг чеккасида тароққа сўз бермаган зулфи қулфнусха зирагига илиниб турарди.

(Давоми бор)

Россия: ҳукумат раиси истеъфога чиқарилди

Президентнинг нима учун ҳукумат раисини бўшатишга қарор қилгани ҳозирча номаълум. Россия сиёсий доираларида, айниқса, сўл доираларда Президентнинг фармони унчалик хуш қаршиланмаяпти. Хусусан, Давлат думаси раиси Г. Селезнёв Б.Ельциннинг қарорини «унинг энг катта хатоси», дея изоҳлади. Айрим сиёсатчилар қарордан «ташвиш» билдирган бўлса, бошқалари ортиқча хавотирсиз қабул қилмоқда.

Россия федерациясида ҳукумат алмашди. 12 май куни Президент Борис Ельцин Бош вазир Евгений Примаковни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Б.Елцин бу қарорни қабул қилишдан аввал Е.Примаков билан учрашди. Мулоқот чоғида янги Бош вазирнинг номзоди ҳам кўриб чиқилди. Хабарларга қараганда, Президент Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келаётган Сергей Степашинга вақтинча ҳукуматни бошқариб туришни топширган.

Россия раҳбари, шунингдек, ҳукумат раисининг янги биринчи ўринбосари вазифасини бажаришни Николай Аксененкога топширди. У шу пайтгача Темир йўллар вазирлигини бошқариб келаётган эди.

Энди Евгений Примаковга келсак, маълумки у жуда оғир вазиятда, мамлакатда кучли инқироз ҳукм суриб турган вақтда ҳукумат тепасига келган эди. Е.Примаковнинг Бош вазир лавозимини эгаллаши мавжуд сиёсий кучларнинг барчасига ўз даврида маъқул бўлган эди. Кузатувчилар фикрича, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барқарорлашуви Е. Примаковнинг номи билан боғлиқ. Президент Б.Ельцин ҳам унинг хизматларидан кўз юммади. Ҳукумат ўз олдига қўйилган вазифаларни бажарди, деди у. Айни пайтда Б.Ельцин бу вазифалар тактикавий бўлганини, стратегик масалалар эса ҳамон ечимини кутиб ётганини ва мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ўзгармаётганини таъкидлади.

Россия ҳукумати аппарати раҳбари Ю.Зубаков ҳукумат Раисининг лавозимидан кетиши унинг ўз ташаббуси билан эмас, балки Президент таклифи билан бўлганини айтди. Лекин у ҳам истеъфонинг асл сабабларига тўхталмади.

«Яблоко» ҳаракатининг думадаги фракцияси етакчиси С.Иваненко эса Е.Примаков раҳбарлигидаги ҳукуматни танқид қилди. Унинг фикрича, ҳукумат айниқса иқтисодиётни ўнглаш бўйича қатъий қарорлар чиқаришга ботина олмаган. Масалан, солиқ, молия соҳаларини ислоҳ қилиш, иш ҳақи бўйича давлат қарзларини қоплаш масалалари очиқлигича қолди, деди у.

Е. Примаковнинг истеъфоси Россия молия бозорларига ҳам таъсир қилди. Айни пайтда миллий валюта рубль ҳамда бошқа давлат қимматли қоғозларининг баҳоси туша бошлади.

Кузатувчилар, нима бўлганда ҳам, Россияда ҳукумат раиси истеъфога чиқиши муносабати билан бирор ижтимоий ёки сиёсий инқироз юз бермайди, деган фикрда. Қатор вазирлик ва идоралар Е. Примаковнинг лавозимидан четлатилиши уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатмаслигини билдирди. Конституцияга мувофиқ, давлат бошлиғи янги Бош вазир номзодини Давлат думасига киритиши лозим. Кузатувчилар янги ҳукумат раисини тайинлаш жараёни Конституцияга мос равишда амалга оширилади, дея умид билдиришмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Соҳил бўйи

Аниқлик!

1999 йил 15 июнь куни соат 10.00 да «Асака ёғ» очиқ акциядорлик жамияти биносида 1998 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишга барча акциядорлар таклиф этилади. Жамият молиявий натижалари бўйича маълумотлар акциядорлар томонидан умумий йиғилишда тасдиқлангандан сўнг маълум қилинади.

«Асака ёғ»
ОАЖ Бошқаруви ҳайъати

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Дилим» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Давнил» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Алтинсарин номли 6-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Азат Игиликович Қалжанов номига берилган АО № 0188223 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбектелефильм» жамоаси видео-бадиий сериаллар бўлимининг муҳаррири Салоҳиддин Сирожиддиновга акаси **Иброҳим САИДАЗИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Яккабоғни бўстон қилгай

Яккабоғ дон маҳсулотлари корхонасини мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига ўз ҳиссасини қўшаётган бақувват жамоалардан, десак адашмасмиз. Ўз соҳасидан ортиб туман аҳолиси учун ҳам бир қанча бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган бу корхона ютуқларида эса, ўз-ўзидан, ёш, ғайратли директор F. Қурбоновнинг ҳиссаси беқиёс. У жаҳон андозларига мос, истеъмолчилар талаби даражасида маҳсулот тайёрлашни корхонаси олдига мақсад қилиб қўйди. Швейцариянинг «Бюллерь» фирмаси лицензияси асосида тайёрланган ускуналарни олиб келиб ўрнатишди. 160 миллион сўм пул сарфланиб, жиҳозланган тегирмон эса 1998 йил июль ойидан бошлаб орзуларнинг дастлабки ижобати сифатида самарали ишлай бошлади.

— Корхонамизни чет эл технологияси билан жиҳозлашда «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси раиси О. Отаев ва корпорациянинг бошқа мутахассислари ёрдамини алоҳида қайд этиш керак, — дейди F. Қурбонов. — Уларнинг шу кўмаклари боис ҳозир кунига 140 тонна буғдойни қайта ишлаш имкониятига эга бўлдик. Бу — корхонамизнинг асосий йўналиши. Шунингдек, корхона қошида ширин гуруч ва жўхори қаламчалари, зиғир ёғи, макарон ва бошқа турли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар мавжуд. Бу цехларни корхонамизнинг даромади ҳисобига қурганмиз. Жойига сарфланган маблағларимиз миллионлаб даромадни етаклаб келяпти. Айни пайтда замонавий Винклер ускуналари билан жиҳозланган нон цехида кунига 7-8 тонна маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз.

F. Қурбоновнинг ташаббуси билан корхона қошида ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил қилинган. Ишчи-хизматчилар учун қишки мавсумда кўкат етказиб берувчи, шунингдек, лимон, мандарин, апельсин етиштириладиган иссиқхоналар мавжуд.

— Бу ердан олинадиган чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари бизга бозор баҳосининг ярми нархида, ҳатто бепул улашилади, — дейди корхона хизматчилари. — Тушлигимизнинг бепул бўлиши ҳам шундан. Чунки, ўзимизнинг ёғ, макарон ва нонимизга қўшимча сабзи, пиёз, картошка, помидор каби деҳқончилик маҳсулотларию гўшт ҳам шу ёрдамчи хўжаликда етиштирилади.

Шунингдек, ишчилар учун соғломлаштириш маркази, уларнинг фарзандлари учун эса болалар боғчаси ҳам хизмат кўрсатишини эшитиб уларга ҳавасимиз яна ортди.

Кейинги йилларда Яккабоғ чирой очиб, ўзгарди. Қанчадан-қанча бинолар қад рослади. Бунда ҳам Яккабоғ дон маҳсулотлари жамоа корхонасининг муносиб улуши бор. Корхона қошида замонавий усулдаги «Ал-Маъруф» ва Супермаркет савдо маркази қурилиб ишга тушди. Савдо марказлари таркибидаги дўконлар, сартарошхона, музқаймоқ цехи, дорихона, тикув цехлари ва меҳмонхона туман аҳолиси ва меҳмонлар учун самарали хизмат кўрсатаяпти. Корхона ҳомийлигида қуриб ишга туширилган савдо шаҳобчалари эса ҳозирда 40 дан ошиб кетди.

Режалар эса ҳали бисёр. Хусусан, бу йилги Мустақиллик байрами арафасида корхона қошида Германия ускуналари асосида макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқни ишга туширириш режалаштирилган. Сутни қайта ишлайдиган ва спирт ишлаб чиқарадиган цехлар қурилиши давом этаяпти.

F. Қурбоновнинг ўз ишчиларини рағбатлантириш, уларнинг шароитини яхшилаш ҳақидаги орзулари яна бир талай: 1999 йил августидан бошлаб дивиденддан ташқари ишчиларга ҳар икки ойда маошнинг ярми миқдорида пул мукофотлари ташкил этиш, ёрдамчи хўжалик ҳисобидаги ерга иккинчи ҳосил учун сабзи, шолғом, турп экиб, олинган ҳосилни бепул улашиш, шу ерга экилган қунжут, зиғир ҳосилидан эса корхонанинг ўзида ёғ олиб, ишчиларга ҳар ойда 5 килодан тарқатиш...

Аслида буларни орзу дейиш ҳам ўринли эмасдир. Чунки, уларнинг ҳақиқатга айланиши учун саноқли ойлар қолди, холос. Ўз ишчиларининг фақат корхонадаги эмас, оиласидаги аҳволини ҳам ўйлаётган бу раҳбарнинг ишлари эса ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмаса керак. Зеро, ислоҳотларнинг ҳақиқий фидойиси ана шундай бўлмоғи лозим. Шундагина тобора гуллаётган юртимиз келажаги, Президентимиз кўра билганидек, порлоқ бўлади.

Шуҳрат СУЮНОВ,
журналист

Бордикелди бор бўлсин!

Яқинда Тошкент шаҳар Сирғали тумани ҳокими Мидҳат Йўлдошев бошчилигида турли соҳа вакилларидан иборат бир гуруҳ тошкентликлар Каттақўрғон шаҳрига ташриф буюришди. Меҳмонларни шаҳар ҳокими Талъат Ҳамидов, шаҳардаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, ижодкорлар кутиб олдилар. Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида келган меҳмонлар Мирзо Улуғбек номли ёғ-мой корхонасини, бирлашган шаҳар шифохонасини ҳамда шаҳардаги маҳаллагузарларни бориб кўришди.

Куннинг охирида эса А. Мажидий номли театрда учрашув уюштирилди. Унда сўзга чиққан Сирғали тумани ҳамда Каттақўрғон шаҳри ҳокимлари меҳр-оқибат ва дўстлик ришталари бундан кейин янада маҳкамроқ бўлишига, ўзаро тажрибалар билан ҳамиша ўртоқлашиб турилишига тилакдошлик билдирдилар.

Учрашув давомида таниқли санъаткорлар ижро этган куй ва қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбирда меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.

Эркатош ШУКУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Б» ҳарфли ўйланма

Диагонал бўйича: 1. Шиддатли ёғингарчилик. 2. Қамиш томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми. 3. Франциянинг жануби-шарқидаги шаҳар. 4. Ўзбек театр санъати асосчиларидан бири. 5. Ироқнинг жанубидаги шаҳар, вилоят маркази. 6. Қанд ва спирт заводларида сабзавот, дондан маҳсулот олишда ҳосил бўладиган. чиқинди. 7. Ўзбекистоннинг чўл ва даштларида тарқалган чумчуқсимон қуш. 8. Қамишдан тўқиладиган тўшама. 9. Шиша саноатида, эмаллар тайёрлаш ва табобатда ишлатиладиган кучсиз анорганик кислота. 10. Дурадгорлик асбоби. 11. Қуруқ мева. 12. Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романида ифоланган аёлнинг асл исми. 13. Ғалла ўсимлиги аъзоси. 14. Ўрнига ўрин, бир нарсанинг эвазига тўланадиган ҳақ. 15. Маълум юза бирлигига тўғри келадиган куч. 16. Мусиқали саҳна санъати тури. 17. Томонлар ўртасидаги ўзаро келишув ҳужжати. 18. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан бири. 19. Кишининг ўқимишлик даражаси. 20. Ўзбек мумтоз шоири, олими, давлат арбоби, саркарда. 21. Заргарлик буюми, тақинчоқ. 22. Дарахтда яшовчи, тусини шароитга қараб ўзгартира оладиган жонивор. 23. Меваси ва толаси учун ўстириладиган жануб ўсимлиги. 24. Нон тури. 25. Марказий ва Жанубий Африка туб аҳолиси тиллари оиласи. 26. Сув ҳавзасининг кема тўхтаб туриш учун қулай, қурукликка ёриб кирган қисми. 27. Дарахт танаси аъзоси. 28. Қуруқликнинг сувга ёриб кирган чўзинчоқ қисми. 29. Коинотдаги сув бўғлари. 30. Ер остидан чиқаётган сув манбаи. 31. Йил фасли. 32. Мамлакатимизда шаклланаётган иқтисодиёт

«Б» ҳарфи бўйлаб, «занжир» ҳолида:

33. Африка саванналарида тарқалган энг узоқ умр кўрувчи улкан дарахт. 34. Табобатда ишлатиладиган калта пояли, кўп йиллик гиёҳ. 35. Асарнинг маълум бўлими. 36. Тожикистондаги шифобахш маъдан сувли маскан. 37. Туркманистондаги шаҳар.

Муаммонома

Аввало қуйидаги очқич сўзларни топинг:

1. Шимолий Ҳиндистондаги шаҳарга номдош шойи газлама — 5, 1,9,7,3,1,4.
2. Эрта тонг пайти — 5, 7,12,6,7,6
3. Темирчиларнинг катта болғаси — 5,7,4,11,7,9
4. Хориждан келтирилган маҳсулот эвазига давлат ҳисобига ундириладиган тўлов — 5, 7, 10.
5. Африкадаги Эфиопия давлати пул бирлиги — 5,2,3.
6. Ҳикматдан: 5,7,8,1 бошидан — ўғлон ёшидан.
7. Электр қувватининг ўлчов бирлиги — 14,1,13,13.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавоблари асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан икки ҳикмат аён бўлади.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ

«Меҳр-оқибат» ўйланмасининг жавоблари:

Очқич сўзлар: 1. Бева. 2. Яқинроқ. 3. Қўлдош. 4. Ёдгор. 5. Юрса 6. Меҳр. 7. Яхши. 8. Эҳтиёж. 9. Ҳайкали.

Шеърий мисралар

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Ҳамид ОЛИМЖОННИНГ
«Муқанна» тарихий драммасидан



Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Соҳибжон САЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.681 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0353

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 22.15
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Мусобақа этади давом

Миср: кеча ва бугун

Миср миллий музейи

Қоҳиранинг замонавий кўчаларидан бир

Газетамизнинг муҳтарам мухлислари, «Миср: кеча ва бугун» мусобақаси қатнашчилари!

Ўтган сафар биз Мисрнинг қадимий обидалари, диний маскан ва зиёратгоҳлари ҳақида сўз юритган эдик. Бугун эса мамлакатнинг замонавий диққатга сазовор жойлари ҳамда даволаниш масканлари ҳақида гап кетади.

Мисрнинг замонавий зиёратгоҳларига саёҳат

Миср сайёҳликнинг барча соҳаларини тараққий эттириш имкониятларига эга юрт. Миср сайёҳлиги мамлакатни энг замонавий саёҳат марказига эга давлат сифатида дунёга танитган, узоқ ўтмишга эга. Миср халқининг асл маънавиятини акс эттирувчи қадимий маданият, санъат, бунёдкорлик анъаналарини шу кун билан узвий боғловчи бир халқа вазифасини ўтайди. Зеро, Миср ўтмиш маданиятига оид тарихий обидалар билан бир қаторда ҳозирги замон меъмурий ва маданий ёдгорликларга ҳам эга бой ўлкадир. Қуйида шулардан баъзилари ҳақида тўхталамиз.

Миср опера уйи — маърифат ва маданият марказидир.

Опера уйи 1988 йил октябрь ойида Мисрнинг Ал-Жазира районидаги қадимги қўргазмалар маркази ўрнида очилган. Замонавий меъморчилик руҳини ўзида мужассамлаштирган бу муҳташам бино 4500 кв.м. майдонни эгаллайди. Опера уйи етти қаватдан иборат бўлиб, унда 3 театр зали, қатор ўқув-машғулот хоналари, катта ва бой кутубхона, 2 та музей ҳамда турли анжуман ва учрашувлар ўтказиш заллари мавжуд.

Анжуманлар ўтказиш халқаро Қоҳира маркази

Замонавий тараққиётнинг ёрқин намунаси бўлган бу марказ дунёдаги йирик анжуманлар ўтказиладиган энг катта марказлардан бири ҳисобланади. Зеро у 70 феддан (35 га дан ортиқ) майдонни ишғол этади. Марказнинг салобатли биноси Қоҳиранинг Мадинат Наср районида қад ростлаган. Марказ ўз номига яраша асосан улкан конференциялар, кўргазмалар, қурултой ва тантанали кечалар ўтказишга мўлжалланган. Марказ биносида турли анжуманлар ўтказиш учун 3 та зал мавжуд. Асосий зал 2500 ўринли бўлиб, у анжуман ишини 8 тилга тўғридан-тўғри — синхрон таржима қилиш қурилмаси, телевидение, факс, маҳаллий ва халқаро телефон алоқа воситалари билан ҳам таъминланган. Марказ телевидениеси у ерда бўлаётган анжуманларни бевосита эфирга узатиш имконига ҳам эга. Бу марказ шу пайтгача бир қанча ўта нуфузли, олий мақомдаги анжуманлар гувоҳи бўлган.

Миср панорамаси

У Мисрнинг 1973 йил октябрь ойидаги урушда қозонган ғалабасини абадийлаштириш мақсадида 1987 йил бунёд этилган. Унинг исломий руҳда, цилиндр шаклида қад ростлаган биноси 7,5 феддан (4га атрофида) ерни ишғол этади. Бу ерда Октябрь урушида Барлеф мудофаа истеҳкоми қандай яксон этилиб, келажак ниш мумкин, чунки унда ҳаракатланувчи саҳна ҳам мавжуд.

Иккинчи зал 800 кишига, учинчи зал эса 600 кишига мўлжалланган.Уларда ҳам ёпиқ телевидение шаҳобчалари ҳамда тўғридан-тўғри — бевосита таржима қилиш имкониятлари мавжуд. Бинода шунингдек, 3500 кв.м. майдонли кўргазмалар зали, 300 журналистга мўлжалланган матбуот маркази ҳам бор. У 4 тилга тўғридан-тўғри, синхрон таржима қилиш қурилмаси, телевидение, факс, маҳаллий ва халқаро телефон алоқа воситалари билан ҳам таъминланган. Марказ телевидениеси у ерда бўлаётган анжуманларни бевосита эфирга узатиш имконига ҳам эга. Бу марказ шу пайтгача бир қанча ўта нуфузли, олий мақомдаги анжуманлар гувоҳи бўлган.

Миср панорамаси

У Мисрнинг 1973 йил октябрь ойидаги урушда қозонган ғалабасини абадийлаштириш мақсадида 1987 йил бунёд этилган. Унинг исломий руҳда, цилиндр шаклида қад ростлаган биноси 7,5 феддан (4га атрофида) ерни ишғол этади. Бу ерда Октябрь урушида Барлеф мудофаа истеҳкоми қандай яксон этилиб, келажак мир бетондан қурилган энг баланд миноралардан ҳисобланади. Унинг тепасида туриб махсус кўриш жиҳозлари ёрдамида Қоҳиранинг чор атрофини томоша қилиш, пойтахт ҳуснидан завқланиш мумкин. Минорадаги айланиб турувчи ошхона ва қаҳвахона бу ерга келган хўрандаларга таом тановули билан бирга Қоҳиранинг яқин-атроф жамолини томоша қилиш имконини беради.

«Овоз ва ёғду» томошаси

Бу томошага келган кишилар тасвирий-мусиқий оҳанглар оғушида тарихий обидаларнинг ўз тарихи ҳақидаги ҳикоясини тинглайдилар. Аҳромотлар районидаги Сфинкс унга йўналтирилган алвон нурлар остида қадимий Миср маданияти ва ўз тақдиридан сўз очади. Бу ажойиб томоша араб, инглиз, француз, немис ва рус тилларида олиб борилади. Бундай, ўзига хос, ажойиб томошалар Мисрнинг Луксор, Асвон ва Абу Сумбул обидаларида ҳам ўтказилади.

Метро — ер ости йўли

Стратегик аҳамиятга молик бу иншоот Қоҳира шаҳрининг у бурчини бу бурчи билан боғлайдиган энг қулай транспорт воситаси ҳисобланади. Қоҳира шаҳри Африка қитъасидаги аҳолиси ўта зич улкан шаҳарлардан бири бўлгани боис ҳам метронинг шаҳар транспортлари орасидаги ўрни беқиёсдир. Чунки Қоҳира метроси соатига 10 мингта йўловчига хизмат кўрсата олади. Метро бекатлари замонавий электрон воситалари билан жиҳозланган. Қоҳира Яқин Шарқ ва Африка қитъасида биринчи бўлиб транспортнинг бу туридан фойдалана бошлаган шаҳардир. Миср Африка, Ислом ва араб маданияти, цивилизацияси тўқнашган жой бўлиб, бу ер ўтмиш шон-шуҳрати билан бирга ҳозирги кун ютуқ ва тараққиётини ҳам кўз-кўз қилаётган юртдир.

IV. Миср барча қулайликларга эга ҳам сайёҳлик, ҳам даво масканидир

Қизил денгиз умуман олганда бошқа денгизлардан ўзининг сокин, тоза ва илиқ суви билан ажралиб туради. Сув тубидаги кенг майдонларга ёйилган маржон шодалари денгиз ҳуснига ҳусн қўшади. Бунинг устига Қизил денгиз сувида ўзига хос, бошқа ерда учрамайдиган турли рангларда товланадиган балиқлар, ноёб денгиз ҳайвонлари ва кўплаб бошқа жонзотлар ҳам талайгина. Буларнинг бари Қизил денгизга ўзига хос сеҳржозиба бахш этади. Шу боис дам олиш ёки даволаниш ниятида юрган ёки денгиз спортига ишқибоз жуда кўплаб сайёҳлар бу ерларга оқиб келади.

Қизил денгиз дунёдаги суви илиқ денгизлардан бири бўлиб, сувнинг ўртача ҳарорати +21 +28С даража атрофида бўлади. Айни чоғда у дунёдаги суви ўта шўр денгизлардан бири ҳамдир. Мана шу сингари сифатлар унинг соҳилларида «маржон мустамлакаси» ривож топишига, айниқса денгиз туби чиройли ишқибозлари бўлган сайёҳларни бу ерга интилишга сабаб бўлса ажаб эмас. Қизил денгизида ўз ер усти ва сув ости ўсимликлари ва ҳайвонот оламига эга катта-кичик 24 тадан ортиқ ороллар мавжуд. Магавиш, Шидван ва Зубаргадлар уларнинг энг машҳурлари ҳисобланади.

Қадимий манбаларда зикр қилинишича, Миср азал-азалдан мўътадил об-ҳавоси билан инсонлар соғлиғига ижобий таъсир кўрсатиб келган, жонга дармон, шифобахш ўлка экан. Даволаш илмининг асосчилари бўлмиш қадимий юнон уламолари ўз рисолаларида Миср шифо маскани экани, унинг об-ҳавосидан, қуёш тафтидан баҳраманд бўлиш кўпчиликка наф келтиришини таъкидлаб ўтишган экан. Мисрнинг бир қанча шаҳар ва районлари турли туман хасталиклари даволашга ярақли минерал ва олтингугуртли сувлари, намликдан ҳоли, қуруқ ҳавоси ҳамда қумли ва лойли шифобахш тупроқлари билан шуҳрат қозонган.

Мисрнинг кимёвий таркиби бошқалардан тубдан фарқ қиладиган минерал сувли манба ва чашмалари жумлаи жаҳонга донг таратган. Зеро, уларнинг таркибидаги минерал ва олтингугурт нисбати дунёда энг юқори даражада ҳисобланади.

Бунинг устига олтингугуртли чашма ва манбалар ҳамда улар атрофидаги фойдали оқавалар ажойиб даволаш хусусиятига эгаки, ундан суяк, нафас йўли хасталиклари, овқат ҳазм қилиш, тери-таносил хасталиклари сингари касалликлар билан оғриганлар шифо топадилар. Бундай манба ва чашмалар Қоҳира яқинидаги Хелвон атрофида ҳам бор. Уларга Ас-Сира ва Абу Ас-Сауд чашмаларини киритиш мумкин. Бундай чашмалар рўйхатини давом эттирадиган бўлсак, Ал-Файюмдаги «Ас-Силлин», Сувайш кўрфазининг ғарбий қирғоғидаги «Иссиқ сув чашмаси», Ал-Баҳария, Ал-Харга, Ад-Дахла, Сива воҳаларидаги, Ал-Қаттара пасттекислиги ва Ан-Натрун водийсидаги манбалар, жанубий Синайдаги «Муса», «Ҳаммамат фиръавн» чашмаларини тилга олиш жоиз.

Яна шуниси эътиборга моликки, ҳозирда Ўрта ер денгизи ва Қизил денгиздагина учрайдиган сув ўтлари ва маржон шодаларидан рак-саратон касаллиги ўсимталарининг ривожини тўхтатишга ва яна бир қанча хасталикларга қарши курашишга яроқли махсус муолажа моддаларни ажратиб олиш самарадорлиги ўрганилаяпти. Мисрнинг Асвон вилоятига хос бўлган қуруқ об-ҳавоси, йил бўйи қуёш нур сочиб туриши совуқ ўлкаларда учрайдиган баъзи хасталикларидан фориғ бўлиш учун ҳам фойдали экан. Ушбу вилоят сувларидаги оқава ва чўкиндилар ҳам тери касалликлари ревматизм, асаб, нафас йўллари хасталикларини даволашда ўта қўл келар экан.

Ал-Баҳария воҳалари

Агар Ал-Гизадан 365 км. жануби-ғарб томон юрилса, Ал-Баҳария воҳаларига етиб келинади. Бу ерлар ўзининг қуруқ об-ҳавоси, жуда кўркам табиат манзаралари, хурмозорлар билан тўла водийлари, мафтункор тоғлари билан киши диққатини ўзига тортади. Айни чоғда бу ерларда фиръавнлар, рум ва копт даврига оид асори атиқалар ҳам мавжуд. Шифо ниятида келадиганлар учун олтингугурт ва бошқа турли минераллар бўлган табиий булоқ ҳамда чашмалар ҳам талайгинадир.

Ал-Баҳария воҳалари ноёб имкониятларга эга дам олиш,шифо топиш ҳамда сайр-саёҳат қилиш масканларидан ҳисобланади. 365 км. узунликдаги асфальтланган замонавий йўл Ал-Баҳария воҳаларини Қоҳиранинг Ал-Гиза райони билан боғлаб туради.

Ал-Файюм чашмалари

Ал-Файюмда ҳам табиий чашмалар сероб. Уларнинг энг машҳурлари Ас-Силлин, Аш-Шаир, Бехму ва Ал-Мандара чашмаларидир. Айниқса, Ал-Файюм шаҳрига яқин ердаги Ас-Силлин чашмасининг донги узоқ-узоқларга кетган. Бу чашманинг шаффоф, илиқ суви охак, тош ва қум сингари ер қатламлари орасидаги ёриқлардан ер устига сизиб чиқиб ётади.

Ҳа, Миср чиндан ҳам барча қулайликларга эга ҳам сайёҳлик, ҳам даво масканидир.

Мусобақа савол-жавоб варақаси

Мусобақа қатнашчисининг исм-шарифи ва манзили.

1. Мисрдаги ҳам дам олса, ҳам шифо топса бўладиган жойлардан бири:

а) Ал-Файюм вилоятидаги «Ас-Силлин» чашмаси
б) Луксор шаҳридаги Подшоҳлар водийси
в) Искандария шаҳридаги Юнон театри

2. Миср узоқ ўтмишига таянган бунёдкор юрт Унинг замонавий сайёҳлик гўшаларидан бири:

а) Октябрь уруши панорамаси
б) Амру бен Ал-Ос масжиди
в) «Муаллақ черков»

Эслатма:

Савол ва жавоб варақалари қирқиб олиниб, жавобларнинг нотўғриси ўчирилган ҳолда савол-жавоблар варақалари 5 та бўлгунича йиғиб юрилади, сўнг қуйидаги манзилга юборилади:

Тошкент — 700000 ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32. 6-қават, 601-604 хоналар. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси (Мусобақага).

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55